



СОВУҚҚОНЛИК—ЁМОН ИЛЛАТ

Бугунги кунда автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишларини назорат этиш борасида Қарши тумани ИИБ ДАНБ ходимларининг тажрибаси анча ошди. Вақти-вақти билан текширишлар ва рейдлар ўтказиб турилибди. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 8033 марта йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги аниқланди. Шулардан 3196 таси ҳужжатлаштирилиб, қоидабузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

103 нафар ҳайдовчи ва механизаторлар эса меҳнатсиз даромад кетидан қуваётганларида қўлга олинди. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган хўжалик ва автоулов корхоналари раҳбарларидан 77 киши турли миқдорда жаримага тортилди. Жамоа ва давлат хўжаликларидagi автокорхоналар 100 марта кўздан кечирилди. Ҳайдовчилар, механизаторлар билан ва аҳоли истиқомат қиладиган жойларда, шунингдек, таълим-тарбия масканларида 322 марта маъ-

руза ва суҳбатлар уюштирилди.

Буларнинг ҳаммаси ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда, автоулов воситаларидан халқ хўжалигида самарали фойдаланишда қўл келаяпти.

Лекин шунга қарамасдан ҳали ҳам ҳайдовчиларнинг масъулиятсизлиги, айниқса, тезликни оширишлари турли кўнгилсизликларга сабаб бўлмоқда. Бу ҳол асосан шахсий автомашина эгаларига тегишлидир. Биргина сентябрь ойининг ўзида рўй берган 9 та автофалокатда 4 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди, 9 киши оғир тан жароҳати олди.

2 сентябрь кунини Қарши-Косон автомобиль йўлида шахсий «Москвич-412» машинасини бошқариб бораётган «Старт» ширкатининг ҳайдовчиси Азамат Аҳмедов қаршисидан келаётган мотоциклни уриб юборди. Оқибатда мотоциклдаги 3 киши воқеа жойида ҳалок бўлди.

6 сентябрь кунини Қарши-Хонобод йўли бўйлаб Зоир Темиркулов бошқараётган машина ҳарбий машинага

урилди ва икки киши оғир тан жароҳати олди.

14 сентябрь кунини содир бўлган воқеа кишини қаттиқ ташвишга солади. Қарши таксомотор паркиннинг ҳайдовчиси Камол Жўраев «ГАЗ-24» белгили 29-50 КФЛ рақамли машинасини жуда катта тезликда ҳайдаб бораётган, йўлдан кесиб ўтаётган 10 ёшли Бекжон Бозоровни уриб юборди. Бекжон ўша жойнинг ўзида вафот этди. Худди шундай ҳодиса Қарши шаҳри марказий кўчаларининг бирида ҳам рўй берди. Шахсий машинасида келаётган Тоштемир Норбеков 9 ёшли Дилрабо Шодмоновага оғир тан жароҳати етказди.

Машинани маст ҳолда бошқаришнинг зарарли оқибатлари қанчалик кенг тунтирилмасин, ҳали ҳам айрим ҳайдовчилар ширакайф йўлга чиқмоқдалар.

Хусан Неъматов «Ленинизм» давлат хўжалигида истиқомат қилади. Қоратепа қишлоқ кенгаши раисининг ўринбосари. У яқинда ўзининг «Москвич» шахсий машинасида кетаётганида маст ҳолда қўлга олинди ва уч

йил мобайнида машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Бешкент матлубот жамиятида ишловчи Мажид Панжиев ҳам машинасини маст ҳолда бошқарганлиги учун ходимларимиз томонидан бир неча бор огоҳлантирилган. Бироқ у яна қоидабузарлик устида ушланди ва 18 ой муддат давомида машина ҳайдаши таъқиқланди.

К. Маркс номли давлат хўжалигида яшовчи Жуманазар Норов 200 сўм жаримага тортилди.

Умуман, кўпчилик фуқаролар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига нисбатан совуққон муносабатда бўлиш турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Биз эса турли омиллардан фойдаланган ҳолда тегишли чоралар кўряпмиз. Ўйлайманки, бўлирмамиз ходимлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини бундан кейин ҳам сусайтирмайдилар.

Фармон ТУРСУНОВ,
Қарши тумани ИИБ
ДАНБ бошлиғи милиция майори.

ТАКРОРИЙ ЖИНОЯТ САБАБЛАРИ

Хоразм вилояти ҳудудида 1990 йил ҳисоб-китобларига кўра, муқаддам судланганлар 250 бор қайта жиноятга қўл урганлар. Улар иштирокидаги низо-жанжаллар 1989 йилдаги нисбатан 20 фозга ошган.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари кенгашида такрорий жиноятчиликка қарши кураш муаммолари муҳокама қилини ва юқоридаги ташвишли далиллар бир неча бор тилга олинди.

Вилоят ички ишлар бўлимида муқаддам судланганлар, айниқса, маъмурий назоратда бўлган шахслар билан олиб борилаётган ишларнинг қониқарсиз эканлиги алоҳида таъкидланди. Энг ташвишли муаммолардан бири озодликка чиққанларнинг узоқ вақт ишсиз қолишидир. Улар жамоат тартибини бузадилар, ичкиликка берилдилар, пул топишининг осон йўллари қидирадилар. Бир сўз билан айтганда, текинхўрларча, текин-томоқларча яшаш йўлига ўтиб оладилар.

Уларнинг бундай ҳатти-ҳаракатларига қарши жойларда ўз вақтида чора кўрилмапти. Учаска вакиллари, милиция бўлимидаларнинг бошқа ходимлари ишга кўп ҳолларда расмийликни нуқтан назардан қарамоқдалар.

Муқаддам судланганлар иши бўйича тергов давомида ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Такрорий жиноят содир этишга имкон яратаётган сабаблар, омиллар тўлалигича очиб берилмапти. Уларни бартараф этиш учун ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрилмапти.

Қотиллик, шахсий ва давлат мулкни ўғирлаш, босқинчилик ва бошқа қатор оғир жиноятларнинг вақтида очиб ташланмаслиги ёки жиноятчиларнинг жазосиз қолиши уларга қўл келмоқда.

Такрорий жиноят сабаблари судлов жараёнида қандай очиб берилмапти! Афсуски, қониқарсиз. Қонунбузарларнинг иш жойларига айблов ҳукмларининг нусхалари юборилмапти. Ва яна энг аянчлиси, такрорий жиноят содир қилганларга нисбатан жуда енгил [гоҳида жарима билан кифояланмоқдалар] жазолар белгиланмоқда.

Вилоятда бундай расмийликка қачон барҳам берилади!

Т. ШАМАКОВ.

МИЛЛИОНЕР БЎЛИШ МУМКИНИ?

Мумкин. Фақат қандай қилиб? 26 ёшли Р. Муслимов, балоғат ёшига етмаган Р. Сайфутдиновларнинг топган йўлига қаранг.

Улар шу йилнинг 16 август кунини тахминан соат иккиларда 71 ёшли София Шикованинг хонадонидан 15.500, 20 августда 1952 йилда туғилган Венера Лининг 10.535, ўша куннинг ўзидаёқ Виктория Пранусдинованинг 7.350, Валентина Родкинянинг 14.907, Светлана Лининг 11.340 сўмлик бисотларини ўғирлаб кетган.

Ҳаммасини қўшиб ҳисоблаб кўринг-а! Наргис билан бир неча кун ичида икки оғайни «беш минути кам» миллионер бўлишди-қолишди. Аммо...

Оҳангарон тумани ИИБ ЖКБ бошлиғи милиция катта лейтенанти А. Собиржонов ва катта терговчи милиция майори М. Раимбековлар иштирокидаги оператив-тергов гуруҳи миллион сари нигилган ўғирлар йўлига тўсиқ қўйишди.

Миллионер бўлиш мумкин. Фақат юқоридаги «дўстлар» топган усулда эмас. Ҳаром йўл билан топилган пул насиб қилмайди. Насиб қилган тақдирда ҳам тешиб чиқади!

С. ЭРКИНОВ.



Фарғона вилояти ИИБ Давлат автомобиль назоратида бир неча йилдан бери навбатчи вазифасини сийқидилдан бажариб келаётган милиция лейтенанти Вера Сольмина доим хушёр. Содир бўладиган йўл ҳодисалари ва

жиноятларни тезкорлик билан очилишида унинг хизмати каттадир.

СУРАТДА: навбатчи Вера Сольмина.

Л. КИМ олган сурат.

«МИННАТДОРЧИЛИГИМИЗНИ ЕТКАЗИНГ»

«Постда»нинг ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқиб бораман. Оиламидагиларнинг ҳам бу рўзномага ҳурмати баланд. Унда босилаётган мақолаларнинг ранг-баранглиги, ёритилаётган мавзуларнинг чуқур таҳлил қилиниши ўқувчиларни бефарқ қолдираётгани йўқ. Айниқса, баҳс-мунозараларга кенг ўрин берилиши, фикрларнинг хилма-хиллиги рўзноманинг ўқимишли чикишини таъминламоқда.

Кундан-кунга ошиб бораётган жиноятчиликни, қонунбузарликни кўриб хафа бўлиб кетаман. Еш-ёш йигитларнинг ўғрилиқ йўлига кириб кетга-

нини кўриб ҳайрон қоласан киши. Бунақаларни, айниқса, бозорларда кўплаб учратиш мумкин. Тан олиш керак, уларнинг ёмон қовунининг уруғдек кўпайиб кетишида одамларимизнинг ўзлари сабабчи. Кишилар орасида бир-бирларига бўлган меҳр-оқибат йўқолиб кетган. Бу ҳақда кўплаб ёзилапти, лекин ҳамон натижадан дарак йўқ.

Яқинда Урганч шаҳрида бир милиционеримизни ўлдириб кетишди. Одамларнинг кўзи олдида (бу ҳақда рўзномангизда ёзган эдиларингиз). У қотилнинг пичоғидан эмас, атрофдагиларнинг бефарқ-

лигидан ҳалок бўлди. Шуларни ўйласам нафратланиб кетаман. Еш миллионер ким учун ҳалок бўлди? Ким учун?! Наҳотки ўзи ҳаёт ва мамот ўртасидаги қийноқлардан тўлғанаётган пайтда бефарқ томоша қилиб ўтирган кишилар учун бўлса?

Бунга англашилмовчилик бўлгандирда, дейиш мумкин эди, лекин яқинда рўзномада яна бир шунга ўхшаш ҳодисани ўқиб қолдим. «Жасорат жой танламас» номли мақолани назарда тутаялман. Ҳамро Чориев ҳам ҳалок бўлган милиционер ҳолига тушган. Яна алам қилиб кетади. Ким-

дир одамларни деб ҳаётини хавф остига қўйиб курашса-ю унга ёрдам бериш ўрнига, томоша қилишса. Бу инсоний фазилатларга хос эмасда.

Одамлар қонунбузарлар билан фақат милициягина шуғуллансин, деган фикрда. Ма-на жиноятчиликнинг илдизини қаердан излашимиз керак. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, милиция ходимларининг яқка ўзи нима ҳам қила оларди дейсиз.

Ҳурматли таҳририят, совуққонликларга қарамай ўз бурчинини сийқидилдан адо этиб, ҳаётини хавф остига қўяётган барча милиционерларга, хусусан Ҳамро Чориевга оиламиз миннатдорчилигини етказсангиз. НАРГИЗА.

Богот тумани.

ЭРТАГА—АВТОМОБИЛЧИЛАР КУНИ



*Юк тўқис,
манзил
бехатарми?*

Авалло бу катта бирлашма ҳақида икки оғиз сўз.

Жумҳурият автотранспорт вазирлигига қарашли Ўзбекистон шаҳарлараро юк ташиш автотранспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига ўн саккизта корхона ва ташкилотлар кирди.

Бирлашма бир вақтлар жиддий танқидга учраган. Мен унинг қанчалик асосли ёки асоссиз эканлиги ҳақида фикр юритмоқчи эмасман. Лекин қўлимдаги далилларга суянган ҳолда айтадиган бўлсам, ҳақиқатдан ҳам 1985-87 йилларда тажрибали жинойи гуруҳ бирлашмага анча моддий зарар келтирган. Гуруҳ қалбаки ҳужжатлар билан (бунда тақсимловчи (диспетчер) ходимларнинг ўтакетган совуққонлиги уларга катта ёрдам берган) юк автостанцияси ҳудудидан бир неча бор контейнерларни ўғирлаб кетган.

Айбдорлар жазосини олган.

Аммо бирлашма ҳанузгача танқиддан қутилгани йўқ.

Келинг, «медал»нинг иккинчи томонига ҳам бир назар ташлайлик.

Бирлашма ўз олдига катта масъулиятли вазифаларни мақсад қилиб қўйган. Турли-туман халқ ҳужалиги юкларини кўзланган манзилга бешикаст, бехатар, каму кўтсиз етказиш учун унинг ходимлари чопоннинг барини белбоққа қистиришган.

Шу ерда бир оз чекиниш қилсак.

Халқ ҳужалиги юкларини автоуловларда ташиш анча қулайликлар туғдиради.

БИРИНЧИДАН. Узоқ сақлаб туриш имконияти бўлмаган маҳсулотларнинг бузилишига йўл қўйилмайди.

ИККИНЧИДАН. Турли кўринишдаги ўғирликларнинг олдини олишда муайян чоралар кўриш имконияти бор.

УЧИНЧИДАН. Қўшимча маҳсулотлар жойланадиган идишлар учун сарфланадиган маблағ иқтисод қилинади ҳамда маҳсулотларни бевосита тайёрлов пунктдан то сўнгги нуқтагача етказишда ва тарқатишда ортиқча ташвишлардан қутилиш мумкин бўлади.

Энди бирлашманинг кейинги вақтларда олиб бораётган иш фаолияти тўғрисида.

Агар сўнгги йиллардаги оширилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, анчагина ижобий натижаларни кўрамыз.

Аравани қуруқ олиб қошишдан ҳеч ким наф кўрмайди. Яхшиси далилларга асосланайлик.

Ўтган йилги якуний ҳисоботларга қараганда, барча

турдаги умумий (универсал) контейнерларда 324 минг 500 тонна халқ ҳужалиги юклари ташилган. Бу шартнома асосида қабул қилинган мажбуриятнинг 101 фоиз адо этилганлигини билдиради.

Жорий йилнинг тўққиз ойлик якуний ҳулосаларига кўра, нархнинг ислоҳ қилиниши, корхоналар ва ташкилотлар ўртасида хом-ашё ва материалларни етказиб беришдаги доимий алоқаларнинг бузилганлигига қарамастан, бирлашманинг кўпгина бўлимлари юк ташиш режасини бажаришни таъминладилар. Шаҳарлараро узлуксиз юк ташиш миқдорига кўра, контейнерларда ва пакетларда юк ташиш салмоғи режадаги 19 фоиз ўрнига 19,4 фоизни ташкил этди.

Бирлашма таркибига кирувчи, юқорида айтиб ўтганимиз — 18 та корхона ва ташкилотларнинг 15 тасида шаҳарлараро алоқа йўллари бўйлаб жўнатиладиган контейнерлар майдончалари мавжуд. Ҳар куни биргина Тошкент контейнер майдончасидан 15 та йўналиш бўйича халқ ҳужалиги юклари ортилган 120 дан ортиқ контейнерлар жумҳуриятимизнинг барча минтақаларига етказиб берилмоқда.

Автотранспорт-экспедиция комбинатлари (АТЭК), юк автостанцияларининг (ГАС) контейнер майдончалари зарур асбоб-ускуналар, юк-лаш-тушириш механизмлари билан жиҳозланган. Ҳайдовчилар учун шинам мехмонхоналар, автотранспортлар учун ҳар томонлама қулай тўхташ жойлари мавжуд.

Жорий йилда автотранспорт вазирлигининг кўмаги билан барча турдаги юкларни ташишга мослашган контейнерларни босқичма-босқич янгилаш муаммоси ҳал бўлди. 1991 йилда 400, 1992 йилда 500 дона контейнер ишлаб чиқариш ва етказиб бериш кўзда тутилган.

Мавзумимиз йўналишини бир оз буришга тўғри келади.

Ишни тўғри ташкил этиш, белгиланган графикка амал қилиш борасида бирлашмада қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

Бунинг учун унда 60 та назорат-диспетчерлик пости бор. Улар асосан, бир йўналишда ҳаракатланувчи автомобилларга юк ортишни ва шаҳарлараро юк ташиш автотранспортининг иш тартибини назорат қилиб турадилар.

Бирлашманинг эътиборли ишларидан яна бири ўтган йилнинг март ойдан бошлаб назорат-диспетчер

биргаликда иш олиб бормоқда.

Уларнинг назорати остида ўтган йили 250317 та автомашиналарга халқ ҳужалиги юклари ортилган. 3482 минг 600 тонна юк ташилган (топшириқ бўйича 100,3 фоиз). Юксиз автомобилларнинг ҳаракати 29,9 миллион километрга қисқарди. 7 минг 400 тонна ёқилги иқтисод қилинди.

Ҳозирда жумҳуриятимизнинг саккизта вилояти, Қорақалпоғистон жумҳурияти ҳамда Тошкентда ички ишлар идоралари билан шартномалар тузилди ва ДАН ИПХ ходимларидан 20 киши бирлашма бўлимларида хизмат қилмоқда. Уларнинг назорати остида 1990 йилнинг март ойдан жорий йилнинг сентябрь ойигача 299 минг 700 тонна халқ ҳужалиги юклари ташилиб, 1467 минг 200 сўм соф фойда кўрилди.

Бирлашмадаги мавжуд камчиликлар ҳақидаги масалага танқидий фикрлар билан ёндашишга тўғри келади.

Айрим масъул ходимларнинг лоқайдлиги, совуққонлиги оқибатида олиб чиқиб кетишга тайёрлаб қўйилган юкларни қўриқлаш ишлари аросатда қолган. Натижада катта миқдорда давлат мулкни ўғирлаш ҳоллари юз бермоқда.

Назорат-диспетчерлик пости ходимлари томонидан ўтган йили шаҳарлараро юк ташишни тўғри йўлга қўйиш қидалари 3346 марта бузилганлиги қайд этилган.

Ҳозирда ҳам бунақа қондабузарликлар давом этмоқда. Йўлқоғозларни тўлди-

ришда, контейнер майдонларидан юкларни ўз вақтида жўнатишда кўз юмиб бўлмайдиган қатор қусурлар мавжуд. Ишлатиб бўлинган ҳужжатлар таҳлил қилинмайди. Контейнерлар тезда бўшатилмаяпти. Юклар белгиланмаган жойларга тушириляпти.

Юқоридаги бузғунчиликлар, асосан, юк автостанциялари ва автотранспорт-экспедиция комбинатларидаги диспетчерлик ходимлари айби билан содир қилинмоқда.




Шу йилнинг июль ойида Самарқанд тикувчилик фабрикасида Тошкент вилояти матлубот жамиятлари уюшмасининг Октябрь туманлараро базасига келтирилган контейнердаги тикувчилик маҳсулотлари номаълум сабабларга кўра намланиб кетгани, умуман яроқсиз ҳолга келиб қолгани билан муро-сасозлик қилиб бўлмайди, албатта.

Биз келажакда бирлашмада ишлар яхши йўлга қўйилади, камчиликларни йўқотишда ижобий натижаларга эришилади, деб умид қиламыз.

Эртага автомобилчиларнинг 70 йиллик тўйи. Шу муносабат билан масъулиятли вазифани ўз бўйига олган бирлашма раҳбарияти ва ходимларини чин дилдан му-борақбод этамыз. Давлат автотранспорт назорати ходимлари билан ҳамкорликда халқ мулкнинг тўқислигини, манзилнинг бехатарлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишларига ривож тилаймиз.

Эркин САТТОРОВ.





Жорий йилда жумҳуриятимиз ИИБ фаолиятида анча-мунча ўзгаришлар юз берди. Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот борасида қатор амалий тадбирлар ўтказилди. Ишлаб чиқариш корхоналари, муассаса ва ташкилотлар маблағи эвазига ДАН, пост-патрул хизмати ходимлари ҳамда участка вакиллари сони оширилди. Шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида моддий-тех-

Эслатиш: қавсдаги рақамлар - 1990 йилнинг 9 ойи мобайнида жиноятчиликнинг солиштирма миқдори.

Очилган жиноятлар таҳлил қилинганида, уларда иштирок этганлар ҳар хил шахслар эканлиги маълум бўлди. Чунончи, гуруҳлар таркибига меҳнатга лаёқатли бўлсада, ҳеч қерда ишламайдиганлар, маст ҳолатда қабиҳликка қўл урганлар, воёга етмаганлар ва ҳатто аёллар бор.

Иқтисодиёт соҳасида ҳам аҳвол гоёт мураккаб. Йил бошидан бери 14 минг 937 та жиноят қайд қилинган. Уларнинг чораги давлат ва жамоат мулкни талон-тароғ қилишга тўғри келади. Иқтисодий қонунбузарликлар жиноятчилик умумий таркибига 21,9 дан 22,7 фоизга қадар ўсганлиги кўзга ташланади. Мансаб ва ҳужалик бошқаруви билан боғлиқ жиноятлар ҳам кўп. Ноёб моллар тақсимоти ва хизмат кўрсатишни ташкил этишда талон-тароғлик кенг қулоч ёзмақда, савдода суистеъмолликлар ҳаддан зиёддир.

Ана шу таҳлил натижаларидан келиб чиқиб башорат қилинадиган бўлса, шу йилнинг тўртинчи чорагида оператив вазият янада тананглигини кўтилади. Мол-мулк билан боғлиқ жиноятлар кўпайиши мумкин. Шундай кўнгилсизликлар сабаблари эса талайгина. Биринчидан, қулай иқлим шароити бор жумҳуриятимизга дайдилар кўплаб оқиб келади, бу ўғирчилик ривожланади деган сўз билан баробар. Иккинчидан, қиш пайтида тез қоронғи тушади. Бу эса баъзи қимматбаҳо кийим-кечак ишқибозлари учун ани мўддаодир. Демак, босқинчилик ва қароқчиларча ҳужумнинг авж олиши учун шарт-шароит муҳайё.

Бундан ташқари давлат мулкни хусусийлаштириш, ширкатлар тармоғини кенгайтириш, автомобиллар нарҳининг қимматлашуви туфайли рэкёт, товламачилик, машина олиб қочиш кўпайди. Намёб моллар ва қуроллар сақланадиган жойларга ҳужум ҳоллари кўпайиши мумкин. Айниқса, ишлаб чиқариш моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлашда қаллобликлар авж олиши кўтилади.

ЖУМҲУРИЯТ ИИБ ТАШКИЛИЙ-НАЗОРАТ БОШҚАРМАСИ.

ХОТИРЖАМЛИККА АСОС ЙЎҚ

ника таъминоти даражаси яхшиланди. Эндиликда ҳам улар фаолияти ташкилий техника воситалари ёрдамида муттасил такомиллашиб бормоқда. Уюшган жиноятчилик, талон-тароғлик ва коррупцияга қарши кураш масалаларига алоҳида аҳамият берилиб, самарадорлик оширилмоқда.

ССЖИ Президентининг 1990 йил 25 июлдаги Фармонида биноаё қонунсиз ва яширин ҳолатда сақланаётган портловчи моддалар, ўқ-дориларни тортиб олиш, қуролланган гуруҳлар фаолиятига чек қўйиш соҳасида кўзга кўринарли қадамлар ташланапти. Шу кунгача 2 минг 932 дона (Фармон чиққандан бери 4 минг 627 дона) ўқотар ов қуроллари мусодара этилди. Шундай қуролларни сақлаш устидан назорат кучайтирилди. Техник талабларга жавоб бермайдиган еттита портловчи моддалар омборхонаси фаолиятига барҳам берилди (булар Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида).

Шу каби профилактик тадбирлар барча жумҳуриятларга хос бўлган жиноятчиликнинг ўсиб боришини камайтириш ва айни пайтда айрим йўналишларда муайян муваффақиятларга эришишга замин яратди. Чунончи, рўйхатга олиннадиган жиноятлар ўсиши (+2,0 фоиз) секинлашди (ССЖИ бўйича саккиз ой якунида +19,1 фоиз).

Энг муҳими оператив ҳолатда оғир жиноятчилик тоифасига кирувчи қонунбузарликнинг камайишидир (4,7 фоиз). Жиноят қидирув йўналиши бўйича ҳам (+2,1 фоиз) барқарорлик кузатишган. Бу тизимда хавфли турларнинг озайгани (16,5 дан 15,6 фоизгача) кўринади. Жумҳурият пойтахтида умумий муваффақиятга қўшилган ҳисса диққатга сазоворроқдир (ЖҚ бўйича 9,3 фоиз, шу жумладан оғирлари 11,2 фоиз).

Қасдан одам ўлдирish (-9,0 фоиз), оғир тан жароҳати етказиш (-3,0 фоиз), номусга тегиш (-10,4 фоиз), қароқчиларча ҳужум (-18,3 фоиз), босқинчилик (-4,4 фоиз), фирибгарлик (0,9 фоиз), ўлим билан боғлиқ автофалокатлар (-15,8 фоиз) жиний жавобгарликка тортиладиган безорилик (-9,8 фоиз) даражалари ҳам пастга қараб «шўнғиди». Худди шунингдек, кўчаларда (-6,7 фоиз) ва бошқа жамоат жойларида (-6,8 фоиз) содир этиладиган қонунбузарликлар ҳам камайди.

Жиноят очиб бир мунча (68,4 дан 70,9 фоизгача) яхшиланди. Бу ҳолни ЖҚ бўйича яна ҳам яққолроқ (56,6 дан 61,2 фоизгача) кўриш мумкин. Бу кўрсаткич мамлакат бўйича энг юқори эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.




Иқтисодий-сиёсий вазият ҳам барқарорлашмоқда. Аҳоли намоёнликлари тўлқини сусайган. Ўзбекистон ҳудудида оммавий чиқишлар 3 баравар, уларда иштирок этувчилар сони эса 4 баравар қисқарган. Шундай тартибсизлар жараёнида катта тажриба тўплаганлиги учун бундай ҳаракатларни тўхтатиш борасида ички ишлар идоралари таъсир даражаси кучайган.

Шу билан бир қаторда жумҳуриятда оператив вазиятга салбий таъсир этадиган омилларни бартараф этишнинг иложи бўлмапти. Жиззах (+17,1 фоиз), Бухоро (+13,7 фоиз) вилоятларида ва Ўрта Осиё транспорт ички ишлар бошқармаси тасарруфидаги ҳудудларда (+9,9 фоиз) содир этиладиган жиноятлар сони кескин ўсиб бормоқда. Айниқса, бу борада темир йўлларда содир қилинадиган оғир жиноятлар аҳволи (икки баравар ошган) ташвишланарлидир.

ЖҚ бўйича рўйхатга олиннадиган жиноятлар ҳам (Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятлари бундан мустасно) ривожланган.

Жумҳуриятда мураккаб аҳволнинг шаклланиши профилактик ва оғоҳлантириш ишларидаги йўл қўйилаётган камчилик ҳамда хатолар билан чамбарчас боғлиқдир. Бу асосан ўғирчиликнинг олдини олишда яққол кўринади. Айнан шу кўриниш рўйхатга олиннадиган жиноятлар негизини ташкил этади. Давлат мулкни ўмариш 7 фоизга ошганлиги ҳам гоёт ёқимсиздир. Шахсий мулкка кўз олайтириш тобора авж оляпти ва унга қарши кураш мақтагулик эмас. Охириги беш йилда (1986 йилнинг 9 ойига қиёслағанда) фуқаролар мулкига тажовуз қилиш 2 баравар кўпайди ва 17 мингга яқинлашди. 1990 йилда бу борадаги ривожланиш тўхтаганиди, аммо бу аҳвол яна юқори суръат олди (+7,4 фоиз). Бундан фақат Тошкент шаҳригина мустаснодир (9 ой якунига кўра - 8,8 фоиз).

Воёга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш муаммоси ҳамон ўткир. Барча шахсий мулкни ўғирлашнинг чорак қисми, яъни ҳар тўртинчи босқинчилик улар иштироки билан боғлиқ. Ўсмирлар қўл урган ва жиний жавобгарликка тортиш тақозо қилинадиган қонунбузарликлар сони 6,1 фоиздир.





ОИЛАНГИЗ МАСЛАХАТГУЙИ

! БУ КЕРАК

КИР ЮВИШ СИРЛАРИ

Қора матодан тикилган кийимларни озгина туз қўшилган сувда чайсангиз, ранги очилиб янгидай бўлади.

Қизил ёки ҳаворанг матодан тикилган кийимларни чайганда сувга биз оз намакоб (уксус), оч қизил рангли кийимлар чайлганда эса нашатир спирти қўшилса, ранги ўчмайди.

Рангли иппи бор кийимларни ювишдан аввал икки чой қошиқ туз эритилган сувда (1 литр) ювитиб, кейин ювиш керак.

Кийим қуригач, тескарисидан дазмолланади.

Агарда рангли кийимларни машинада ювсангиз, сувга 2-3 қошиқ туз ташланг. Бунда кийимларингиз ранги ўчмайди.

Ундан ташқари янгидай кўринади.

Тўқ қизил кийимлар бир литр сувга чой қошиқда ошхона содаси эритилиб чайқалса, ранги анчагача ўчмайди.

Тўқима матоларни ювиш халқаро шартли белгилари: 1. Оқ нарсаларни қайнатил. 2. Рангли нарсаларни иссиқ сувда ювиш. 3. Юпқа нарсаларни ювиш. 4. Ювиш мумкин эмас.




Қадрли мухлислар!
Мана, рўзномамиз бир ёшга тўлай деб қолди. Бир йил албатта, унча кўп вақт эмас. Лекин ҳаётда бу давр ичида қанча ўзгаришлар бўлмади дейсиз. Чўнтақим кемириб, рўзгорининг баракасини қочираётган қимматчилик милиция ходимлари онласини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Тахририятимизда эса шундай шароитда рўзгор тутумини қандай олиб бориш кераклиги сўраб битилган хатлар кундан-кунга кўпаймоқда. Ҳечдан кўра кеч дейишадди. Биз уй бекалари, қолаверса барчангиз учун «Ойлангиз маслаҳатгўйи» деган янги саҳифа ташкил қилдик.

Бунда рўзгорда керак бўладиган фойдали маслаҳатларни ўқишингиз мумкин. Милиционерларнинг иши фақат олди-қочдилардангина иборат бўлади деб ўйлаганлар хато қилади. Уларда ҳам уй, оила, бола-чақа ҳамда кундалик ташвишлар бор. Хуллас, «Ойлангиз маслаҳатгўйи»нинг биринчиси қўлингизда. Бунини илк қадам деб тушунгайсиз. Лозим топсангиз, иккинчи элик хат ёзишни ҳам унутманг. Шундай саҳифани бериб бориш, сизнингча, мақсадга мувофиқми! Мувофиқ бўлса, яна нималарини ёритишимизни, қайси мавзуларда маслаҳат берилишини хоҳлардингиз!

Устаси ЭВИНГИЗ

«ҚЎЛБОЛА» ИССИҚХОНА



230 мм, узунлиги хоҳлаганча) олинади, битта кашак, икки ёки тўртта ром, иккита тиргович устун тайёрланади. Ҳамма ёғоч деталлар икки-уч марта алифланади, сўнг об-ҳаво таъсирига чидамли бўёқ билан бўялади. Ромларни йиғишга алоҳида эътибор бериш лозим. Уларни очиш ёки бутунлай олиб қўйиш учун штирлар ва кронштейнлардан иборат ошиқ-мошиқлардан фойдаланилади.

Ҳаваскор боғбонлар учун бир нечта деталдан иборат бўлган, миҳсиз, бир неча минут давомиди йиғиладиган кўчма иссиқхона (теплица) қуриш кийин эмас. Бунинг учун тахталар ёки қалин фанердан иккита бўлак (эни

Расмда иссиқхонанинг умумий кўриниши ва деталларнинг чизмалари кўрсатилган.

СОҒЛИҚИНГИЗ - ҚЎЛИНГИВОЗ

ПИЁДА ЮРИШ

Пиёда юриш — умрини узайтиради, деган халқ мақоли ҳақиқатдан йироқ эмас. Юриш — қадимдан соғломлаштириш воситаси бўлиб келяпти. Пиёда юрганда киши организмдаги мускуллар ҳаракатланиб, юрак-қонтомир, нафас олиш ва бошқа аъзолар фаолияти кучаяди.

чи кишилар учун гоётда фойдалидир. Вақтингизга қараб ярим, бир, икки соат юришингиз мумкин. Муддат қанчалик қисқа бўлса, машқ шунча зўр бўлиши керак. Бунини ҳафтасига 3-5 марта, эрталаб ёки кечкурун ётишдан камида икки соат олдин бажарган маъқул. Юришни қўл ва оёқни ҳаракатга келтириб, бир оз эгилиб ёки чўнқайиб ўтириб, кейин бошланг. Ҳаракатнинг сўнгги 10-15 минутиди қадамни секинлаштиринг. Ана шу режимда мунтазам машғулот қилиш 2-3 ойдан сўнг яхши натижа беради.

Кун бўйи зўр бериб ишлагандан сўнг 20-30 минут пиёда юрган киши тетиклашади. Пиёда юриш, айниқса, ўрта ёшдаги ҳамда узоқ муддатли танаффусдан сўнг жисмоний тарбия машғулотини билан қайтадан шуғулланув-



ТИШИНГИЗ ОҒРИСА

Агарда тепа жағ тишингиз оғриси, расмда кўрсатилганидек иккала кўзингиз тағидидаги 1-нуқтани топиб, навбат-


ма-навбат босиб уқаланг. Сўнгга эса 2-нуқтани босинг ва даволаниш жараёнини 3-нуқтани босиш ва уқалаш билан тугалланг. Пастки жағ тиши оғриганда эса 4- ва 5-нуқталар билан шуғулланг.



Жундан тикилган кийимларни чайқаш учун тайёрланган сувга глидерин томизинг (5 литр сувга ярим қошиқ). Бунда кийимингиз чиройлироқ кўринади.

Иппак ёки пахтадан тикилган кийимингизга тухум доғи тушса, асло иссиқ сувда ювманг.

Қўйлак ёки поливер расмда кўрсатилганидек қуририлса, уларнинг фасони бузилмайди.



ЯШИЛ ДОРИХОНА ЯЛПИЗ

Уткир ялпиз баргининг дамламаси меъда-ичак ҳамда ўт йўли хасталикларига оғриқ қолдирувчи, қўнғил айнишини йўқотувчи хусусиятга эга. У иштаҳа очиб, овқат ҳазм қилиш аъзолари фаолиятини ҳам кучайтиради, юрак изтиробига далда беради, унинг ҳаприқинини пасайтиради. Бундай дамлама тиш оғриғи, милк яллиғланишини ҳам тузатади.

МАККАЖЎХОРИ ПОПУТИ

Маккажўхори попутидан тайёрланган қайнатма ёки дамлама жингар, ўт қопчаси ва ўт йўли шамоллаган беморларга шифодир. У истиқо касаллигида пeshоб ҳайдовчи ҳамдир. Қувуқдаги тошни йўқотишда, ҳамда қувуқ шамоллашида ҳам даво ҳисобланади.

ЛАЗЗАТЛИ ТАОМЛАР

ДЎЛМА

Бу таом ҳам булғори, қарам дўлмаларга ўхшаб тайёрланади. Гўшти майдалагичдан ўтказиб, майда тўғралган пиёз, помидор, туз, мурч қўшиб аралаштирилади. Сўнг ўртача катталиқдаги картошкаларни арчиб, пичоқ билан ўртаси ўйилади. У жуда юпқалишиб қолмаслиги керак. Уйилган чуқурчага озгина сариеғ, устидан қийма солинади. Қозонда пиёз, суякли гўшт, булғор қалампери, помидор солиб

шўрва қайнатилади. Гўшт пишшига яқин картошка дўлмалар терилади (шўрва дўлмаларни кўмиб турсин). Қайнагач, устига қопқоқ ёпиб, аввал ўртача, сўнг паст оловда димлаб пишрилади. Тайёр дўлмаларни ликопчаларга 3-4 донадан солиб, устига шўрва қўйиб, дастурхонга тортилади.

Масаллик: 1-1,5 килограмм картошка қиймаси учун 500 грамм гўшт, 3-4 бош пиёз, 2-3 дона помидор, таъбга қараб туз, мурч солинади.

ҚУЙМОҚ

Тозаланган картошкани қирғичдан чиқариб сирланган идишга қўйиб, иссиқ сувда (стананинг 1/4 қисми) эритилган ҳамиртуруш қўшиб тузланади ва ун сепилади (тухум қўшса ҳам бўлади). Яхшилаб аралаштириб бўлгандан сўнг, кўпчиши учун иссиқ жойга қўйилади. Қуймоқ қаттиқ қизитилган товада тайёрланади.

Масаллик: 500 грамм картошка, ярим стакан ун, 25 грамм ҳамиртуруш, 2 ош

қошиқ эритилган сариеғ, туз.

КУЛЧА

Тозаланган картошка қирғичдан чиқарилиб, суви чиққунча идишда сақланади. Сувни тўкиб, ўрнига сут қўйилади, тузлаб, тухум ва ун қўшиб аралаштирилади. Тайёрланган масаллиқлар ош қошиқ билан ёғи доғ бўлган товага солинади.

Масаллик: 500 грамм картошка, 2 ош қошиқ ун, 1 дона тухум, ярим чой қошиқ туз, сут, ёғ.

Саҳифани Дилбар РАҲМАТОВА тайёрлаган.

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лоҳатни кўчаси, 1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўрибосари — 39-77-23, мухбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан 26399 нускада чоп этилди.